

## “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар ” музейига ташриф

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Гидромелиорация факультети “Сув таъминоти муҳандислик тизимлари” таълим йўналиши 106 гуруҳ талабалари ва гуруҳ мураббийи Ахмеджанова Г.Т раҳбарлигида 2021 йилнинг 16 декабрь кунида 14-январь “Ватан химоячилари куни” байрами муносабати билан “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар” музейига экскурсия уюштирилди. Талабаларга “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар музейи билан тўлароқ таништириш мақсадида экскурсия ўтказилди. Экскурсияни талабаларга музей ходими бошчилигида тўлиқ таништириб берилди. Талабалар музейни 1965 йил ташкил топганлиги, Шунингдек музейда буюк саркарда Амир Темурга бағишланган алоҳида “Темурийлар даври ҳарбий санъати” экспозицияси ҳам мавжуд. Ҳарбий юришлар ҳаракатлари, аскарлар сафланишининг схемалари, қурол-аслаҳалар, нишонлар ва Темурийлар даврининг бошқа экспонатлари ўрин олганлигини ва “Мустақил Ўзбекистонни қўриқлаш” экспозициясида қўшин турлари, ҳарбийлар ҳаёти, уларнинг жанговар ва ҳарбий-сиёсий тайёргарлиги ҳақида маълумотларга эга бўлдилар. Талабалар ўзларига керакли маълумотларни олдилар. Ташриф жараёнида талабалар музей ходимларига ўзларини қизиқтирган саволлари билан мувожабат қилишди, берилган саволларга аниқ жавоблар олишди.



**ТИҚХММИ матбуот хизмати**